

ДЕХҚОН ҚАЛБИН ТИНГЛАГАНДА

ЯҚИНДА шоира Ойдин Хожиева билан биргаликда Охангарон районидagi Қоратой қишлоғида жойлашган «Охангарон» совхозининг биринчи бўлимида бўлган. Гапнинг тўғриси айтсам, биз бу ерга деҳқон аёллар билан учрашиб шеърхонлик қилгани, бир лаҳза бўлса-да, уларга ором бағишлаш ниятида келган эдик. Шийпонга йиғилишган ўн чоғли аёл ва эркакнинг тушунлиги устидан чиқиб қолдик.

Бригадининг бари шу, — деб таништиришди бизга. Ҳа, майли. Турли ёшдаги аёлларни назаримдан ўтказиб бошладим-у юрагим ич-ичига тортиб кетаверди: гўё Охангарон қишлоғида заводларининг мўрсидадан буралди-чаётган зулук тутунларнинг бартаси шу муштинлар оналарнинг қачонлардир гўзад бўлган чехраларига, на-чонларидир ярақлаган ўст-бонларига қўнгандек туюлди. Улар ҳали ёш бўлишларига қарамай, юзларига аниқ-аниқ, бу аёлларнинг ҳар бирининг ўн икки, ўн, саккиз, энг кам бештадан фарзандлари бор экан. Шеър ўқиш-ини йиғиштиришди-да, уларнинг даражасига қўлоқ тутуб бошладик.

А. Афсуски, ерларнинг тўс-ётагига жойлашган, қин-ғир-қинғир бўлмаганда пахта экишнинг, пахта меҳнати камроқ, даромади кўпроқ, қориниш тўқ, устимиз бут-роқ бўлардики...

Бир кило помидорга бир тиниш тўланади. Кунлик нормамиз уч юз килони ба-жарсак, даромадимиз, яъни ойлигимиз шунга қараб, 70-80 сумга боради. Ахир мана бу пенсия ёшдаги кам-пирлар қандай қилиб уч юз кило помидорни бир кунда тиради?

Мехнатдан қочмаймиз. Лекин бизга алам қилган жойи шуки, белингни буюб-иғиб терганинг бир чекка-да шарбатга айланиб қолиб-етаверади. Ўз вақтида олиб кетилмайдиган. Бултур 120 тонна карам, 7 тонна бод-ринг, хирмон-хирмон помидорлар далада қолиб кетди...

Шунда мен бу сабзавот-ларнинг ҳар қилосини шаҳар бозоридан бир ярим сўмдан сотиб олганимни эсладим. Ҳа, чоғда ой сари бутун мамлакат Кремлда йиғилиб озиқ-овқат программасини қисқа вақт ичида бажариш, эл-юртнинг тўйгазиш, иқти-содий бўҳрондан тезроқ чи-қиш тадбирларини ўйласа-ю, бу ердаги исрофгарчиликни қандай баҳолаш мумкин...

Мен сўбатдошларимнинг даражасини тингларканман, беҳиштер ниғоҳим яна улар-нинг ранги ўчган кийимлари-га тушди.

— Ҳа, наҳора, кир-чир юршига мажбур бўлганмиз. Гоҳо сувга кул қўшиб кир юваймиз. Ойинга киши бошига берадиган яримта совунни кўп болалик оилаларга нима ҳам бўларди...

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ
МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ



УМИД ЙУЛИ

Бу йилги кўзнинг тағти-лиги саховат элининг тағти-лигига мос келди. Баҳорги совуқлар, чигитни икки-уч марта лаб қайта экишлардан юрак олдириб қўйган деҳқон ҳар қанча ўлиб-тирилиб иш-ламасини, унинг дилини таш-виш қоплаб ётарди: қуз қан-дай келадиган? Пахта очилиб-уларадими ёки пиланин у-далаш учун яна сўнгги ча-ноқларга қўз тиканмизми? Ҳар йилгидек қору лой ке-чиб, бутун бир авлоднинг саломатлигини бой бериб из-ғиринда пахта теранмизми?

Бу фақат пахтакорнингги-на эмас, бутун элнинг таш-виши бўлиб турарди. Хайри-ятки, қуз деҳқонини ноумид қилмади. Шундай ҳаёқонли-лаҳзалар арафасида пахта хариб нарх ошди деган қу-вончли хабарлар тарқалди.



Мехринисо ОЙДИНОВА
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

Бобоков,
Тулар юрагига яқин босиб,
Кўмушнинг йиғлар, Раънонинг йиғлар.
Уанинг йиғи йатта қоракча осиб,
«Утан қулар» — жўлгил навонгиз йиғлар.
Йиғлайдир Мирзониш, йиғлар Отабек,
Хассага сулғатган, белларда белбоғ.
Неча Хомидларга яқин чиққан бек,
Сизни бои берганда қўяр, қўқис доғ...
Йиғлар Зайнабнинг сўзини ёйиб,
Илаб қабристондан қабрингиза беҳол.
Топилмай ҳоқингиза ўқисан ёйиб,
Телбагинг олапар бағри чок шамол.
Баҳор унутмайди баҳорлигини,
Ҳар йил бўлаб қиш қорбоғингизга
Илларингиз ўнар, ўрик гулларини

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети адабиёт, санъат, архи-тектура соҳасида Навоий номидаги ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетининг тақлифини кўриб чиқиб, адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги энг яхши асарлар учун Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотини бериш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Қуйидаги ўртоқлар Давлат мукофотининг лауреатлари бўлишди.

Омонбой Матжон (Омон Матжон) — «Галлашадиган вақтлар» шеърлар тўплами учун;
Худойберди Тўхтабоев — «Ширин қовунлар мамлака-ти» романи учун;
Умарали Норматов, Нор-бой Худойберганов, Иброҳим Усмоновлар — «Қалб инқилоби», «Ўз дунёси, ўз кифаси», «Ўттиз йил изҳор-и» китобларида замонавий адабий жараёни тадқиқ эт-ганлиги учун;
Шомаҳмуд Шоҳидиевич Муҳаммаджонов — Ўзбеки-стон китоб беази ва миниа-тура ранг-тасвири аънаёлари-ни тикловчи асарлар тур-куми учун, Игитали Тур-суназаров — «Уйғониш», «Ветеран-чекистларнинг оқ-сон сўхбати», «Исон ва сайёра», «Соқинлик», «Орол қаёқ ешлари» туркумидаги ранг-тасвир асарлари учун;
Турғун Пулатов (вафот-дан сўнг) — «Ичкўё» те-левиэион бадий фильмида қайта тикланган шу номли қиссаси учун;
Сцена-рий муаллифи, поста-новкачи режиссёр Мақсуд Юнусов, телеоператор Тў-қин Қурбон, бош роль ик-кисси Эдгор Ҳабибович Саъдиев — «Ичкўё» ном-ли тўрт серияли телевизион бадий фильми яратганли-лари учун;
Постановкачи режиссёр Рустам Мухсинович Ҳамидов, асосий ролларни ижро этган Гани Аъзамов, Гавхар Зо-кирова, Тolibжон Рауфович Каримов, Бахтиёр Нейматович Қосимов, Теша Хусан-ович Мўминов, Зикир Му-хаммаджонов, Ойдин Абду-ҳақовна Норбоева — Ҳамза номидаги Ўзбек давлат ака-демии драма театри ва В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида қўйилган «Қўтлуг қон» спек-такли учун;
Драматург Шукур Хол-миров, постановкачи ре-жиссёр Баҳодир Турсунович Юлдашев, постановкачи рас-сом Георгий Робертвич Брим, бош ролларни ижро-этган Фарҳод Алимович Аминов, Мирҳосн Орипов, Обиджон Юнусов — «Еш-гардия» Ўзбек давлат дра-ма театри сахнасида қўйил-ган «Қора камар» спектакли учун;
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган давлат «Ялла» во-кал чоғу ансамблининг ба-дий раҳбари Фаррух Кари-мович Зокиров, музика раҳ-бари Рустам Абдусаматович Илёсов, постановкачи рас-сом Алла Владимировна Кожен-кова, етакчи яхшоқ хона-далар Аббос Сандович Али-ев, Явлон Рамзидинович Тўхтаев, Алишер Асодович Тўлағанов — сўнгги йиллар-даги концерт-ижрочилик фао-лияти учун;
Тулкиной Фозилжоновна Қодирова — «Совет Ўзе-бекистони меъморчилиги» мо-нографияси учун.

УЛУГ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

● Ҳар бир улуг мақсад аввал одамларнинг қалбиде туғи-лади, уларнинг руҳий оламиде етилиб, анқ режа шаклиге киргиздан сўнг амалга ошади. Масалаге кенг миқёсда қара-сангиз, коммунистнинг эим-эим қоронғилигини ёриб бораётган тарих локомотивини тасаввур этганигиз келадиган. Ҳали исмон оғи тегмаган номалум йўлларда адвешмаслик учун локомо-ти проекторидан отилиб чиққан ирлар унинг ўзидан ол-динда тинмай елиб югурад. Қуёвчан руҳий дунёнинг ҳар-роғли ёғдулари халқимиз қадам қўйган иқлибчи мақсадлар йўлига худуд шу тарих локомотивини қирғи каби истиқбол нуриин соғиб боради. Анқимиз, бугунгиде тарихий бурлиш паллаларида маънавият ва руҳият соҳаларининг адвешмати бе-қиссаси ортади.

Х ОЗИР барча ҳақиқатлар ошкор айтаётган дав-рида иқтисод ва снсаёт муам-моларига онд қизгин баҳслар бўлиши табиий. Лекин му-нозара қилаётган барча томонлар шунинг тан ол-моқдаларини, руҳий дунё-ни кун сайин янги надриятлар билан бойиб бор-моқда, илгари маънавият со-ҳасида йўл қўйилган қўп ха-толар тузатишмоқда, адолат борлигига одамларда ишонч ортмоқда. Елгонин яшириш-га хизмат қиладиган даба-дабозликлар, рикорликка тулган сохта доғмалар ва андозлар турғунлик даври одамларининг онгини бугу-лаб, янги дунёсини безовта қилиб келатган эди. Ҳозир бу ҳаммаси ўтмишга айлан-моқда. Янаитимизда рост-гўйлик, адолатпарварлик ва ташаббускорликка кенг йўл очилмоқда.

Бугунгиде ошқорлик ва адолатпарварлик учун йил-лар давомида фидойилик бил-лан курашган совет кишила-ри, шу жумладан, адабиёт ва санъат намоёндаларини оз эмас. Улар ўз фаолиятлари ва ижодлари билан қайта қу-ришнинг маънавий асослари-ни яратибгина салмоқли ҳисса қўшдилар. Ўнг яхши асарла-ри билан халқимизга фар-зандларга хизмат қилаётган-лар ва истеъдодли ижод-кор зиёлиларни қўллаб-қув-ватлаш, уларнинг яхши асар-ларини муносиб равишда тақдирлаш — партия ва ҳу-куматимиз томонидан амалга ошириладиган энг муҳим тадбирлар қаторига кирди.

Бу йил Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат му-кофотига сазовор бўлган ада-биёт ва санъат намоёндала-рининг номлари миллионлаб китобхоналар ва санъат му-хлисарига яхши таниш. Ху-дойберди Тўхтабоевнинг «Сехри қалпоқча», «Сариқ девни миниб» каби машҳур асарларини мантиқан давом эттирган «Ширин қовунлар мамлака-ти» романи болалар учун ёзилган бўлса-да, уни катта ёшдаги китобхоналар ҳам мареф билан ўқийдилар. Адибнинг асарлари фақат Ўзбекистонда эмас, русча, немисча, италияча, полякча, венгерча — жами йигир-мадан ортинг тилларда боси-либ чиққан нашрлари орқа-ли жаҳон миқёсда шухрат то-пган. Ҳудоб болалар ада-биятида Худойберди Тўхта-боев энг лешқадам ёзувчи-мизидир. Хайрли ишнинг ке-чи йўл. Нихоят, бу йил Х. Тўхтабоев Ҳамза мукофоти билан тақдирлангани унинг юз минглаб мухлисларини мамун қилиши шубҳасиз-дир.

Омон Матжоннинг шеър-ий асарлари ҳам халқимиз ора-сида кенг тарқалган. Ай-ниқса, унинг «Галлашадиган вақтлар» деб аталган до-стони ва шу номли тўпламга кирган шеърлари қўлдан-қўлга ўтиб ўқилмоқда. Омон Матжон шеърининг энг яхши сатрлари катта йиғи-ларда ҳам, ёр-дўстлар тўп-лаған дарааларда ҳам ёд-дан айтилиб юрганга ҳам-мамиз гувоҳмиз. Ўнг муҳи-

ми шуки, шоир қайта қуриш гоилари учун ҳароратли ба-дий — шакллар — топиш-моқда. Унинг лирик ҳафрамони адо-лат учун жонини аямая қу-рашди, халқнинг дардини ўз дардидек терең ҳис қила-ди, улуг мақсад йўлида меҳ-нат кишигига мадад бериш-ни инсоннинг олиғ бурчи деб билади.

Бугунги кўннинг долзарб муаммолари бадий асарлар тақлили орқали адабий та-ниқчилигининг ҳам бош мавзусига айланмоқда. Биз бунин Умарали Норматов, Норбой Худойберганов, Ҳа-бибов Гафуровларнинг Ҳам-за мукофотига сазовор бўл-ган китобларида яққол қура-миз. Ҳар учала китоб ҳозир-ги замон адабий жараёни-нинг тақлили ва тақлинига бағишлангани учун уларнинг гоийи мазмуниде яқинлик бор. Учала тақидчимиз ҳам бир авлодга мансубдилар.

Лекин уларнинг ҳар бирида тақдорламас услубий ўза-га чалиқлар мавжуд. Адабий жараёнинг кўпроқ насрий асарларда қўрилган қир-саларини У. Норматов яхши тақли қилса, шеърятга хос-нозик кечинмалар ва ҳислар тугейи И. Гафуров мақола-ларида ҳассослик билан очиб берилади. Ҳақиқатпарварлик, дадиллик, ўткир мунозара-ларга мойиллик жиҳатлари билан Н. Худойберганов уларнинг сафини тўлдирди туради. Айниқса, янги ўт-мишда адабиётимиз бошлан-кечган мураккаб вазиятлар-да, Р. Абдуллаевнинг маш-ум воқоатларида ёзда ёққан қон каби энди гулга кирган адабий ниҳолларни музлатиб ташламоқчи бўлган пайтда Н. Худойберганов Москвада чиқадиган «Вопросы литера-туры» журналида ёшларни одилона ҳимоя қилгани ва соиб мафкура ҳокимаси бил-лан мардона олишгани кўп-чиликнинг хотирасида яхши из қолдириди.

Шунга ўхшаш ижодий да-диллик ва фидойилик «Ич-кўё» номли тўрт қисмли телевизион бадий филь-мида ҳам кўзга ташланиб тура-ди. Марҳум адиб Турғун Пу-латнинг келажани олдиндан ҳис қилиб ёган аjoyиб қис-саси истеъдодли режиссёр Мақсуд Юнусов томонидан экранда қайтадан мукжасам этилганда миллионлаб те-леомашбинларни ҳаяжонга соладиган ва бугунги йилга-ни шарафларига хизмат қиладиган долзарб санъат асари дунёга келди. Минглаб томошбинлардан келган махсуслар ва талабоналар асосида икки марта тақдоран кўрсатилган тўрт серияли ба-дий телефильмда тақиқ-ли актёр Эдгор Саъдиев бош

РЕСПУБЛИКА МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА
ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ДАВЛАТ
ТИЛИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУНИНИ
АМАЛГА ОШИРИШ КОМИССИЯСИ

Ф. А. Абдурахмонов — Ўз-бекистон ССР Фанлар ака-демияси А. С. Пушкин номи-даги тил ва адабиёт инсти-тутининг катта илмий ҳодим, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъ-зоси;
М. Э. Абдусаломов — Ўз-бекистон ССР адлия минис-трининг ўринбосари;
А. Орпнов — Авторлик ҳу-қуқлари Бутуниттифоқ агент-лиги Ўзбекистон бўлимининг бошлиғи, шоир;
А. Аюпов — Ўзбекистон Компартияси Марказий Ко-митети ҳузуридаги партия тарихи институти таржима секторининг мудир;
С. О. Азимов — Ўзбеки-стон ССР ташқи ишлар ми-нистри;
Б. Т. Бойқобулов — Ўзе-бекистон ССР Министрлар Со-ветининг катта маслаҳатчи-си, шоир;
Э. В. Воҳидов — В. И. Ленин номи Совет болалар фонди Ўзбекистон бўлими-нинг раиси, шоир;
М. А. Габов — Ўзбеки-стон ССР Нашриёт, полигра-фия ва китоб савдоси иш-лари давлат комитетининг раиси;
Т. Н. Гуськов — Ўзе-бекистон ССР молия минис-трининг ўринбосари;
Р. Х. Жўраев — Ўзбеки-стон ССР Министрлар Со-вети ишлар мудирлиги Халқ таълими, маданият ва соғ-лиқни сақлаш бўлимининг мудир;
А. А. Эшонхўжаев — Уз-совполроқ секретари;
Л. П. Қайумов — Тошкент давлат университетининг ка-федра мудир, профессор;
И. Қ. Қўчқортоев — Тош-кент давлат университети ўзбек филологияси факультетининг декани, профессор;
Н. М. Маннопов — В. П. Чкалов номи Тошкент ави-ация ишлаб чиқариш би-рлашмаси йиғувчи сессиялар бри-гадасининг бошлиғи;
Н. М. Мирқурбонов — Ўзбекистон ССР Халқ таъ-лими министрлиги респу-блика ўқув-методик маркази-нинг директори, доцент;
П. И. Носиров — Ўзбеки-стон ССР Фанлар академияси иқтисод институтининг бўлим мудир;
Р. А. Сафаров — «Прав-да Востока» газетасининг муҳаррири;
Г. И. Скоробогатов — Уруш ва меҳнат ветеран-лари республика кенгаши раисининг биринчи ўринбоса-ри;
У. Н. Усмонов — «Совет Ўзбекистони» газетасининг муҳаррири;
У. Р. Умарбеков — Ўз-

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРИ

Т. А. Хобитов (Тоҳир Ма-лик) — Ўзбекистон Ёзувчи-лар союзининг секретари;
М. М. Хайруллаев — Ўз-бекистон ССР Фанлар ака-демиясининг академик се-кретари

О. Шарафутдинов — Тош-кент давлат университетининг профессори, адабий тақидчи

Э. Ю. Юсупов — Ўзе-бекистон ССР Фанлар акаде-миясининг вице-президенти;
Т. Е. Ёқубов — Ўзбеки-стон ССР Телевидение ва ра-диоэширтиш давлат коми-тети раисининг ўринбосари

О. Ёқубов — Ўзбеки-стон Ёзувчилар союзи прав-ленисининг биринчи секре-тари

Комиссия 1989 йил дека-брь ойида конкрет тадбир-лар тайёрлаш ва келишиб-олинган тақлифларни тақ-дим этиши лозим.
Ўзбекистон ССРнинг Дав-лат тили ҳақидаги Қону-ни амалга ошириш юзасидан Давлат программасининг ой-йиҳаси 1990 йил апрель ойи-да Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми мухока-масига тақдим этилиши ке-рак.

ХАЛҚ ҲУКУМАТГА ИШОНГАН ПАЙТЛАР

Антуан де Риварол (1753—1801) истеъзога чиқиб Франциянинг жанубида жойлашган ва фаранг аёлига уйланган испан армиясининг офицери бўлиш италияликнинг набираси эди. Махаллик қоллежларда саводни чиқарган Риваролнинг дорилфунун сабоги мустақил ўқиш натижасидир. Парижлик обрўли дўстларидан бири унинг билимдонлигини назарда тутиб: «Менга қомусий лугат-китоб керак эмас, чунки ёнимда Риварол бор», — деган эди.

Риварол тугалланган китоблар қолдирган эмас. Дантенинг «Дузах»ини таржима қилган, «Фаранг тилининг қомусий шамойили» номли ишро ёзган. Шундай буюк киши домий саҳатлар ва ташинлар кетида яшаб ўтди, унинг дўстлари вафотидан кейингина дафтарларидан, эшитган биланларидан тўплаб нашр қилдилар. Бунга ҳайрон қолмасан ҳам бўлади, қайси буюк одам тиригида қадр топибди?!

Таржимон

Ҳар қандай тил — тарих чархлаган пачоқдир.

Давлатдорнинг зўравонлиги чақмоқ зарбасига ўхшайди: у бир неча лаҳза давом этади. Халқ инқилоби эса — ер қимирлаши, унинг силкинишлари узоқ манзилларда акс садо беради.

Инқилоб халқнинг матрифатли бўлгани учун пайдо бўлмайди, ҳокимнинг аҳмоқлиги ҳаддан ошганида юз беради.

Фикрга қарши фикр билан ҳужум қилмоқ лозим: гоили милтиқ билан отмайди.

Агар ҳукумат ишни қўзғолонга олиб борадиган даражада ҳанчалик аҳмоқ бўлса, уни бостирадиган даражада етарли кучли бўлмасан, қўзғолон шунчалик адолатлидир...

Зўравонлар зулм тақчиллигидан, маккорлар макр тақчиллигидан ҳалок бўлгилар.

Халқ ҳукуматга ишонган пайтлар бўлади, аммо ҳукумат халққа ишонган пайт ҳеч қачон бўлган эмас.

Қадимий эътиқод муҳоби бизга қайсар туюлади; эътиқод муҳобини негидир пайғамбар, деб биламиз.

Ақл — тарихчи, эҳтирос раққосадир.

Художўй — биров яратган эътиқодга, файласуф ўзи яратган эътиқодга синади.

Исон буткул эркин бўлмайди, унинг эрки ҳамиша чегараланган: масалан, у овқатнинг унис ёки бўйсини таллаб ёмоқ эркинлигига эга, аммо унда умуман эмай қўймоқ эрки йўқдир.

Қўрқув энг бузғунчи туйғудир, чунки у аввал ақлнинг кўзини ўяди, кейин юракни ҳам; идронки ҳам ишдан чиқаради. Қўрқангиз!

Бойнинг мулк-ю, камбағалнинг иштаҳаси бўлсагина бойлик лаззатини суриш мумкин; танбалнинг дунёқароши билангина шохона роҳат-фароғат олма бўлади.

Бойлик йўқотиб қўймайин деган қўрқув олиб келади, холос.

Муҳаббат — майда ўғирлик, табиатнинг жамиятдан ажратиб олган миттигина ўғирлигидир.

Нима учун биз ақли қув эмас, аҳмоқроқ бўлсан ҳам бой қувани афзал қўламиз? Чунки бой қувнинг бойлигини бўлиб олиш мумкин, лекин ақли қувнинг ақлини бўлиши бўлмайди; бой киши хотинини бой қилади, аммо ақли кишининг хотини ақли бўлиб қолмайди.

Матълумки, улкан истеъдоллар қўпича бир-бирига дўст эмас, рақиб бўладилар: улар бир-бирларига соя солиб қўймаслик учун ёлғизликда улғаядилар, довртур солачилар. Қўйлар пода-пода юради, аммо шерлар ёлғиз яшайди.

Санъатни миллатнинг меҳнатсевар қисми яратди-ю, унинг қисмати миллатнинг лаззатсевар қисми қўлида қолади.

У нега ўзини ўзи ўлдирди, нима сабабдан шундай қилди? Чунки ўлиш учун сабаб топиш осон, яшаш учун эса тузукроқ сабаб топиш қийин.

Одамлар сиз ўйлаганчалик ёвуз эмас, сиз сийқа бир қитобчи ёш учун йигирма йил сарфладингиз; улар эса бу қитобни бир неча лаҳзада унутдилар.

Нега сиз бу зерикари одамларга тинимсиз гапирасиз? Чунки шу билан уларни тинглаш азойибдан қутуламан, ахир мен гапирмасам, улар гапирадилар-да...

Менинг қадротимда шундай ёвуз турсин: «Дангасалик уни биздан ажалдан ҳам аввал олиб кетди».

Волтер Риварол ҳақида шундай деди: «У фаранглар ичида энг фаранги эди».

Карим БАҲРИЕВ таржималари

МАСАЛЛАР

ОЧИЛДАСТУРХОН

Очилдастурхон келиб-келиб бир ишуднинг қўлига тушиб қолди. У дастурхондаги ноз-неъматлардан тўй-гунча еди-ю, лекин ўзини авайламади. Қаровсиз қолган дастурхон йиртилиб, афтода бўлиб қолди.

Энди у таомларни тушингда кўрасан, ишуд!

УР ТУҚМОҚ!

Эртанлардаги Ур, тўқмоқ... бор нарса экан. Унга «ур» дейилса бас, гумбуралино уравераркан. Лекин... суриштирмагани чатоқ экан.

ОҚ ИТ — ҚОРА ИТ

Бир хонадоннинг қўпак ити кўчадан ўтганини тишларди.

Итининг йўқот, безор қилди-ку! — дейишди одамлар.

Эртасига қарашса, бу хонадон эшигиндан бошқа ит чиқиб ўтувчиларга ақиллади.

Қўрманглар, бу ювошроқ ит унисини йўқотдим, деди хонадон эгаси.

— Э, оқит-қора ит — барибир ит-да, — дейишди одамлар.

ҚУЙХОНАГА КИРИБ ҚОЛГАН БУРИ

Итифоқо, Бўри қўйхонага кириб қолди. Қараса — қўйлар бир тўп бўлиб хур-қилиб туришибди. Бўри бироз адолат қилмоқчи бўлди.

— Кимки қўйларнинг те-



риси шилиниб олинсин, деса бир маърасин, — деди у.

Қўйлар барабарига маърашди.

Бўри қараса — иш осон кўчапти. У дадиллашди:

— Кимки қўйлар бўриларга ем бўлсин, деса яна маърасин!

Қўйлар барабарига гулдирос маърашди.

ҚАФАСДАГИ ЮРАК

— Нега сен доим қафас ичидасан? — деб сўрашди Юракдан.

Тартиб-қонда шунақада, — деб ух тортди Юрак.

НИФОҚ

Нима бўлиб ўнг кўз билан Чап кўз келишолмай қолишди.

Энди уларга тўғри нарса ҳам эгри бўлиб кўринадди.

УЧОҚ БИЛАН ТАНДИР

— Сизларга нима керак? — деб сўрашди ўчоқ билан Тандирдан.

— Қозон осилиб, нон ёпилиб турса бўлди, бошқа ҳеч нарса сўрамаймиз, — дейишди улар.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

ЮЖИК ЛАТИФАЛАРИ

ҚАРГАНING ЁНИНИ ОЛДИ

Афанди билан хотини кир юваётгандилар. Қарга учиб келиб тоғоранинг олдида ётган олқинини тишлаб қочди.

— Ландаурсиз! — Афандининг хотини жони чиқиб, вайсиди. — Ҳатто қарга ҳам бирор нарсани эплайди:

савунни илби кетди!

Шунда Афанди деди:

— Додлама, хотин, қарга қарғалигига боради-да! Кўрмайсанми, ахир, унинг уст-боши бизникига қараганда қанчалик кир бўлиб, чириб кетаёзиди. Майли, боёқиш кир-чирини ювиб ола қолсин!

АФАНДИНИНГ СИРКАСИ

Ҳамсоиси Афандидан сўради:

— Сизнинг қирқ йиллик сиркангиз борми?

— Бор, — деди Афанди.

— Даволикна озгина беринг.

— Йўқ, бермайман!

— Нега?

— Агар сиркамдан ҳаммага бераверсам у қирқ йиллик бўларми?

ҚИЛИШ — ҚИДИРМИШ

Афанди уйининг болохонасида ўтирган эди. Бир гадои келиб эшикни тақиллатди. Афанди айвондан энгашиб деди:

— Сенга нима керак?

— Гадо илтимос қилди:

— Пастга тушинг-чи, сизда ишим бор!

Афанди ерга тушган, гадои хайр сўради. Афанди

уни болохонага эргаштириб чиқиб, ўша жойда мингирлаб хиргойи қиларкан, деди:

— Худо берсин, менда ҳеч вақо йўқ.

Гадои сўради:

— Нега шу гапни пастда айта қолмадингиз, мени болохонага чиқишга мажбур қилдингиз?

Афанди деди:

— Нимага ўзинг истаганини пастдан туриб айтмасдан мени ерга тушишга мажбур қилдинг?

ОЙ ФОЙДАЛИМИ, ҚУЕШ?

Афандидан сўрадилар:

— Ой фойдалими, қуёш?

Афанди жаноб берибди:

— Қуёш кундузи чиқади,

бу пайтда шундай ҳам ёруғ,

шунинг учун ундан катта фойда йўқ. Ой бўлса кечаси

чиқиб қоронғиликни ёритади. Албатта, ой қуёшдан фойдалироқ!

Русчадан
М. ХОЛИҚУЛОВ
таржимаси

Жаҳон қулади

«Янубий Тинч океани»

экспресси Техасдаги

энг катта чорвачилик йилви ёни-

дан ўтиб боради. Йўловчи-

лардан бири подаларга қараб,

поезд сурув ёнидан ўтгач,

ёнидаги кишига деди:

— Тузуқинга сурув экан.

11.420 бош санадим.

Шериги ҳайрон бўлди:

— Тасаввур қилиш қийин!

— деди у. — Ҳамма

ган шундаки, мен шу сурув-

ганини ушлаб бўлсан, егизганини топ...

Амалдорлар билан юрсанг, амали юқади.

Хушомад!

Кенжойини боғчага ташлаб ўт. Сўнг ота-оналар мажлисига боришни унутма. Менинг номимдан ўқитувчиларни табрикла.

Тўра Тўраевич

Аё соқий! Катталарга қўй!

Хушомад!

Чилонзордаги опачангнинг тўйига ман-ман деган ҳофизларни айт. Кейин дакии еб ўтирма.

Тўра Тўраевич

Муҳаббатнинг телефони: 44—45... (қолгани ёши).

Душамба. Иш қуни.

Соат 10.00. Амакининг ўғлини кузатиш.

Соат 10.30. План бўлими мудир тўйи муҳокамаси.

Соат 11.00. Катталарни йўқлаш.

Соат 12.00. Касалхона... (Хушомадга ноз-неъмат олиш-ни тайинлаш)

Соат 13.00. Чойхона палов.

Соат 13.00. Шофёр янгасининг тўйи.

Соат 13.00. Келишилган ваъда.

Соат 13.00. Нозибеликида ўтириш.

Соат 14.00. Ҳаммом.

Соат 15.00. Улуг Азизовичдан хабар олиш.

Соат 16.00. Мажлис. Йўқ, йўқ, уни қолдириш.

Соат 17.00. Хотинжоннинг бўйруқлари. Бир, икки, уч...

Соат 18.00. Яна касалхона.

Соат 19.00. Уфф. Чарчадим. Иш қўп...

экан?! Иссиқ тўшагимизни совутиб, шунча йўлга овора бўлиб юрмасдан, уйда ётавер-сак бўларкан».

Доктор:

— Азизим, мен берган дори сизга ердан бердимми?

Бемор:

— Ҳа, адашиб уни тоғам ичиб қўйибди, бор мол-мулк-ки менга мерос қолди...

«Крокодил» журналидан олинди

Мечкай экан чумчуқлар.

Эҳ, меҳнаткаш чумолининг

Донларини таллашиб,

Ўзларини ҳам еб қўйишди

Бир зумда чўқилашиб...

ТОШБАҚАНИНГ МЕРОСИ

Насилик севиб тошқўрғонни

Қолдирди.

Бу мероси мени роса

Толдирди.

ҚҮТОС

Хафа бўлиб

Деди Қўтос:

Орнлашам

Керак бир ос.

Бунга илож


Тополмасам,

Нима қилай

Чополмасам.



Рассом Комил ОЛИМОВ



Рассом Синдор ҲАМРОЕВ

Қамбар УТАЕВ

МЕҲРИБОНЛАР

Дилимизда меҳр бор. Шафқат деган сеҳр бор. Мақсадимиз эзгулик, Одаийлик, фахр бор.

Айвонимиз шифтида Қалдирғочлар уйи бор. Бола очиб, қўйлашиб Яшар қўвиқ, бахтиёр.

Жажжи укам қафтида Каптарларга дон бера. Ойим узиб тандирдан Бизга ширмон нон бера.

ХАЛҚИМ—БАХТИМ

Дил дегани нимадир, Тил дегани нимадир? Ватан дегани нима, Чаман дегани нима? Халқ дегани нимадир,

Ҳақ дегани нимадир?

Кимнинг эзгу дили йўқ —

Жонбахш ширин тили йўқ.

Кимнингки Ватани йўқ —

Ўтмиши — армони йўқ.

Келажак — ҳақ-нақди йўқ.

Халқи йўқнинг — бахти йўқ.

ХАЛОЛ ОДАМ

Икки жажжи қизалоқ

Бир-биридан қуюнчас:

— Уятин биласанми?

— Ҳаёни биласанми?

— Катта бўлсанг энг аввал

Виждонли бўласанми?

Ҳақиқатини тан олмай

Елгон гапириш гуноҳ.

Ким буларни билмасан,

Ҳайвондан баттар, гумроҳ.

Сувдаги балиқдан ҳам,

Осмондаги қушдан ҳам

Энг покиза, энг тоза

Уятин, виждони бор

Халол яшаган одам!



ЧУМЧУҚ

Чумчуқларни бегуноҳ,

Безор деб юрардим.

Юрагимга яқин олиб

Чин дўстимдай кўрардим.

Раҳм-шафқатини билмаскан.

Қотил, ханжар гўшчуқлар.

Қуриб ҳайрон қолдим —

ёвуз,

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОВЕВ.

Тахрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ